

“Марказий Осиё + Япония” мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг мажлиси тўғрисида



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов эртага, 11 август куни видеоконференция шаклида ўтказиладиган “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг навбатдан ташқари мажлисида иштирок этади.

Ташқи ишлар вазирлиги хабарига кўра, тадбирда, шунингдек, Япония ташқи ишлар вазири ТошIMITсу Мотеги, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Чингиз Айдарбеков, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Мухтар Тлеуберди, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин ва Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов қатнашади.

Мажлисида чоғида Мулоқотга аъзо давлатлардаги жорий эпидемиологик ҳолат, коронавирус инфекцияси оқибатларига қарши биргаликда курашиш масалалари ҳамда пандемия шароитида ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболи муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Манба